

# Қарақалпақстан Республикасы мәмлекетлик экспертиза басқармасы

 <b>Ибрагимов Махсетбай Жалгасбаевич</b>	<b>Қарақалпақстан Республикасы мәмлекетлик экспертиза басқармасының баслығы</b>	
	E-mail:	<a href="mailto:karakalpakstan.exp@qazaqstan.gov.kz">karakalpakstan.exp@qazaqstan.gov.kz</a>
	Мәңзил:	230100, Шугус шаҳри, Гаразсизлик көч.
	Қабыллау күнлери:	59-уй Сийшемби, сәршемби 11:00-17:00
	Телефон:	0(361) 222- 73-65

## Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги Қарақалпоғистон давлат экспертиза бошқармаси бошлиғининг функционал вазибалари

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон қурилиш вазирлигининг идоравий ҳужжатларига Қарақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги қарори ва буйруқларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилишга бевосита Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

- Бошқарма фаолиятини бошқаради;

- Бошқарма таркибидаги эксперт - мутахассислари ва ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради

- Эксперт мутахассисларнинг ягона тариф малака йуриқномалари ҳамда тармоқ тариф малака йуриқномаларидан келиб чиқиб. Ҳудудий бошқарма ходимлари ўртасида уларнинг иш фаолиятига қўйиладиган талабларни ва мажбуриятларини белгилайди.
- Йиллик, ярим йиллик ва ҳар чорак кесимида ўзининг иш режаларини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги раҳбариятининг тасдиғига киритиш учун Лойиха олди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экспертизаси бошқармасига тақдим этади.
- Йиллик , ярим йиллик ва ҳар чорак кесимида тасдиқланган иш режаларнинг ижроси буйича, шу билан бирга қурилиш объектларига берилган хулосалар сони ва сифати, лойиха ҳужжатларини мунтазам равишда камчиликлар билан ишлаб чиқаётган лойиха ташкилотлари туғрисида ҳисобат беради.
- Моддий техника бойликларини харид қилиш, ходимларни мукофатлаш, еки моддий рағбатлантириш, хизмат сафарига чиқиш лойиха олди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экспертизаси бошқармаси орқали Қурилиш кумитаси раҳбариятидан тегишли рухсат олингандан сунг амалга оширади.
- Қурилиш вазирлиги раҳбариянининг резолюцияси асосида келиб тушган, бошқарманинг зиммасига юклатилган Олий мажлис қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.
- Ҳудудий бошқарма ходимларининг Лавозимлар йуриқномаси талабларига ҳам Қурилиш вазирлигининг ички меҳнат тартиби қоидалари, Орийат кодекси, одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа идоравий ҳужжатларнинг нормаларига риоя қилишларини таъминлайди.
- Инвестиция дастурига киритилган объектлар лойиха смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ишларини амалга ошириш, шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектларини ўз вақтида экспертиза қуригидан ўтказиш буйича тегишли чораларни куради ва натижаларига кура тахлилий маълумот ва тегишли жадвалларни Лойихаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатлари давлат экспертизаси бошқармасига урнатилган тартиб ва муддатларда мунтазам тақдим этади.
- Зарурат туғилганда амалдаги ҳуқуқий –норматив ҳужжатларни янгидан қабул қилинган Ҳукумат қарорлари талабларига мувофиқлаштириш буйича тегишли материалларни таёрлаб Қурилиш вазирлигига киритиб боради.
- Уз ваколоти доирасида инвестиция жараёни қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликларни куриб чиқиш улар юзасидан қарорлар

таярлаш ва белгиланган тартибда раҳбариятга ёки тегишли органларга киритиш.

- Уз фаолияти доирасида Қурилиш вазирлигининг идоравий ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқилишида таклифлар бериш:

- Шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари буйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар уртасидаги келишмовчиликларни куриб чиқишда иштирок этиш:

- Давлат экспертизаси фаолиятини юксалтиришда, юқори натижага эришишда амалий, илмий-техникавий адабиётлар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқарилишида, семинар ўтказишда иштирок этиш ва ташкиллаштириш.

- Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида халқаро ташкилотлар билан илмий техникавий ҳамкорлик юритиш юзасидан материаллар таёрланишида иштирок этиш:

- Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида мутахассислар таёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта таёрлашни белгиланган тартибда ташкил этиш.

- Худудий бошқарма номидан манфаатдор вазирликлар, идоралар маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятида таркибий, илмий техник ва иқтисодий сиёсатнинг асосий йуналишларини белгилашда иштирок этади.

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.